

ХИТОЙЛИКЛАРДА ҚИЗИЛ РАНГНИ АНГЛАШ МИСОЛИДА СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНИШИ

М.А.Маматкулова
ТошДШИ Хитойшунослик факультети
Лингвистика йўналиши (хитой тили)
2-курс магистранти

Мақоланинг қисқача аннотацияси: Мақолада қизил рангнинг семантик хусусиятлари, хитойликларнинг ранглар билан боғлиқ миллий менталитети, ранглар ҳақидаги назарий қарашлар ўрганилади.

Хитойликларда қизил рангни англаш мисолида семантик хусусиятларнинг чегараланишини куйида батафсил кўриб чиқамиз:

Рангни англаш (тушуниш) – жаҳон маданиятида мустақкам ўрнашган тарихий образлар мазмун-маъносини тушуниб етишдир. Турли тиллар ва маданиятлардаги рангларни белгилаш тизимлари ва ранг рамзлари рангларнинг таснифланишига она тилининг таъсирини исботлайди. Рангларни таҳлил қилиш инсон атрофидаги кўриш маконининг шаклланишида рангларнинг ролини ва тарихий-маданий анъаналарини ҳамда хитой менталитетини эътиборга олган ҳолда амал қилишини аниқлаш учун зарур бўлади. Хитой тилида рангларни белгилаш дунёнинг семиотик, фалсафий ва қадриятлар манзараси билан ўзаро мутаносибликда жойлашади. Хитой цивилизациясининг ранг концепциясини кўриб чиқишда, биз нафақат уни дунёни қабул қилишда ўзига хос концепт сифатида, балки қадимги афсонавий тизимининг лексик базасига сингиб кетган ранг рамзларининг тизими сифатида аниқлаймиз.

Биринчи базавий тушунчаларни акс этган дастлабки (примитив) иероглифлар Пекин атрофидаги ҳудудларда Х-XX минг йиллар аввал пайдо бўла бошлаган, ибтидоий одамлар қизил рангли иероглиф-пиктограммаларни қояларда қолдирган эдилар. Маданият категорияси ва «ранг» концепти семантикасининг ўзаро қиёсланишида диахроник жиҳатдан рангларни белгилашни таҳлил қилиш «тил~маданият» ўзаро таъсирини тасдиқлайди. Ранг қадимдан Хитойда инсон ва борлиқ ўртасидаги энг муҳим боғловчи ришталардан бири ҳисобланади. Шу туфайли хитойликлар рангнинг инсонга, дунёни англаб етишига, хис қилишига таъсирини ўрганишда бой тажриба орттиришга муваффақ бўлдилар.

Хитой этносининг анъаналари ва маросимлари соҳасидаги археологик ва этнографик маълумотлар хитой цивилизациясида рангнинг алоҳида ўрни ҳақида далолат беради. Энг қадимий бўлган Яншао (仰韶文化 yangshao wenhua) ва Луншань (龙山文化 longshan wenhua) неолитик маданиятлари ўзининг сополлари ва нақшлари билан фарқланиб, «рангли ва қора сопол маданияти» номи билан машҳур бўлган. Яншао цивилизацияси (彩陶文化 caitao wenhua) қизил таг (фон)даги (红 hong) қора нақшлар (黑 hei) билан,

Луншань маданияти эса уч рангли мажмуа: қора, кулранг ва оқ (黑陶文化 heitao wenhua) ранглари билан ажралиб турган (Zhongguo gudaishi, 2001: 6).

Ранг эстетикаси хитойликлар томонидан атрофидаги воқеликни, борлиқни нозик хис этилишидан келиб чиқади. Ранглар ҳақидаги илк бор эслатиб ўтишлар Қадимий Хитойнинг энг буюк ёдгорлиги бўлмиш «Ўзгаришлар Китоби»да (易经Yi Jing) бешта дастлабки табиат ҳодиса (офат)лари: сув, олов, дарахт, темир, ер кабилар билан бир қаторда қайд этилади. Бу космологик ғояларнинг барчаси дунёнинг тил манзарисида ўз аксини топади. Бироқ, «Ўзгаришлар Китобида» «Ицзин»нинг 64 та гексаграммаси 64 та рангга тўғри келиши ҳақида ҳеч қандай эслатмалар учрамайди. «Китоб» матнида «64 гексаграмма – 64 ранг» модели тўғрисида сўз юритилмайди, «Гексаграммаларга шарҳлар» (说卦传 shuoguanhuang) бобида эса бир нечта рангларнинг белгиланиши етарли даражада тизимлаштирилмаган ҳолатда эслатиб ўтилади. 梅花易数meihua yishu бобида 8 та гексаграмма 5 та асосий ва қонунлаштирилган: қизил, қора, оқ, сариқ, яшил ранглар билан боғлиқлиги кўрсатилиб ўтилган. Предмет ёки ҳодисанинг номланишини бузиш, рамзни ўзгартириш ҳақиқатдан четлашиш деб ҳисобланарди. Хитой маданиятининг хроматик асослари битта маъноли космологик семантикасига эга. Асосий (базавий)ранглар Марказ, Шарқ, Жануб ва Шимол билан боғланади. Макон минтақалари (худудлари), уларнинг рангли ва рамзли муносибликлари қуйидаги кўринишга эга: Марказий макон минтақаси – сариқ ранг 黄huang, Шарқ минтақаси – 青qin (кўк-яшил ранг), тартибсизлик (хаос) ва мавжудотлар ўлими ҳукм сураётган Ғарб минтақаси – оқ ранг 白bai, Шимолий минтақаси эса –қоронғулик, зулмат рамзи бўлган қора ранг билан боғланади.

Жануб рамзига мос бўлган қизил ранг турли кўринишлардаги ҳаёт жўшқинлиги, хурсандчилик, шодиёна воқеа, муваффақият, омад ва эзгу ниятларни ифодалайди. Қизил ранг (红hong) Қуёш образига мос келади (хитой маданиятида қуёш одатда сариқ эмас, қизил рангли қилиб берилади), Қизил куш – афсонавий ҳайвон тимсоли, Оловли император Янь-ди – одамларга бўғдойни етиштиришни ўргатган ва дардга даво берувчи Худо бўлган афсонавий персонаж сифатида мавжуд. Қуёш бу – ҳаётдир (бу ғоя тумшуғида 9 та бўғдой бошоғини ушлаб, осмонда учиб кетаётган қизил куш билан боғлиқ. Бўғдой донлари тўкилиб, униб-ўсиб чиққан экан. Доимо ям-яшил бўлган бўғдой майсалари одамларни очарчиликдан қутқарган экан).

Чарақлаётган камалакнинг шоҳона жилвасини бошқариб,

Худолар кўплаб йиғилган жойидан ўтаман.

Ўнда – Қизил қушининг朱雀ҳашаматли дабдабаси,

Чанда эса – Феруза рангли илон тангаларининг барлишлари.

Сун Юйнинг «Тўққизта фикр юритиш (ўйлаш)лари»

Тасаввур (ассоция)ларнинг бу энг қадимги занжири бўлмиш афсонавий ва диний даосизм анъаналаридаги олов (ранг) – 朱 zhu, қизил (ранг) – 赤 qi, олча (ранг) – 绛 jiang олий(юксак) дунёнинг афсонавий персонажлари, ҳодисалари

ва предметлари билан бирга уйғунлашади. Олов рангли қалдирғоч (朱燕Zhu Yan) – чжоуликларнинг сеҳрли маъбуди (э.аввалги II минг йиллик); олов рангли чопқир от朱骥Zhu qí – ғайриоддий хислатларга эга от; Қизил дарё 赤水 qí shuǐ – Куньлунь (Осмон билан Ерни боғлаб турган) тоғи этагида оқаётган сеҳрли дарё; олча рангли либослар绛衣jiāng yī – рухларнинг кийимлари юқоридаги фикрларни исботлайди. Қизил мевалар илк бор 山海经Shanhaijing асарида учрайди, улар абадийлик (ўлмаслик) меваси бўлиб, барглари юмалоқ ва гуллари сариқ муқаддас дарахтда ўсар эди. Хитой шеъриятида байрам муносабати билан қизил рангли чопонларни кийиб олган сарой амалдорларини «қизил булут»га ўхшатилишини учратиш мумкин. Айтиб ўтиш керакки, Хитойда қадимдан рангли булутлар хуш хабарлар рамзи, афсона ва эртақларда эса осмон аҳлининг «транспорт воситалари» сифатида намоён бўлган.

*Тунмин кошонасида оққуш каби бўйинини ҳурмат билан чўзишиб,
Юй-ди қаришисида қизил булут каби 红云амалдорлар турмоқда қаторлашиб.*

Су Шининг «Биринчи Тўлиқ Ой Байрами муносабати билан император саройида Қабул»

Шу билан унутмаслик керакки, сўз-тушунча орқали тасаввур қилинаётган образ ҳиссиёт негизига ҳам эга бўлиши мумкин. Кўпинча бу ходиса сўз бир нечта турли объектлар маъноларини ифодалаш ва шу объектлар қандайдир битта предмет билан ифодалана олмаслиги туфайли юз беради. Масалан, «қизил» сўзи тўқ пушти рангдан тўқ қизил ранггача бўлган мингта ранг тусларини ўз ичига олиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, «қизил» сўзнинг ҳиссиётли негизи жуда ҳам кенгайиб кетади, баъзан бундай кенгайиш унинг маъносига адекват (тенг) бўлмайди, чунки қизил рангни англатувчи маъноларнинг семантик майдонини чексиз кенгайтириб юборади. Хитойликлар ҳаётларининг энг қувончли дамларида қизил кийимларни кийишни афзал кўрган, масалан, ўзида қуёш ва оловнинг ҳаёт бағишловчи кучини ифода этган тўй ва келин безаклари доим қизил рангда бўлган. Қизил рангнинг бундай ҳаёт бағишловчи кучи ёвуз кучлардан асрайди, уйга омад олиб киради ва умумий муҳитга уйғунлик киритади. Хитойликларнинг иримига кўра, боланинг қўлига боғлаб қўйилган қизил рангли ип уни назарланиши (қўз тегиш)дан асраб экан. Шунингдек, шодлик ва қувонч рамзи бўлмиш қизил ранг янги йил безаклари ва маросимларида ҳам кўриниб туради.

Янги йил байрами муносабати билан битилган табрик ва эзгу тилақлар тўқ қизил рангли қоғозга ёзиларди (贴红喜字tie hong xie zì– қизил бахтли иероглифларни елимламоқ ибораси айнан шу урф билан боғлиқ); байрамда болаларга қизил конвертга солинган пулларни ҳадя қилишади (送红包song hongbao – қизил ўрамни тақдим этмоқ ибораси каби.).

Қизил (ранг)ни билдирувчи семантика тилдаги қуйидаги сўз бирикмаларида мавжуд: 红事hongshì (қизил (қувончли) воқеа, тўй), 红楼honglou (қизилминора) ва 红衣hongyi (қизил қўйлак) – аёллар ётоғи ва аёл тўй

либосларининг образли номлари. Рангнинг метафорик (истиора, киноя) маъноси, унинг ёритқич, ҳосилдорлик ва аёл гўзаллиги билан муқояса қилинади: 红女hongnv (чиройли аёл, гўзал қиз), 红颜hongyan (гўзалнинг ташқи кўриниши). Бадий ижодиётда камолотга етишган рассомларни «қизил ва кўк рангни англаган», деб этишган.

Бошқа ассоциатив занжирни кузатишимиз ҳам мумкин. Масалан, қизил рангнинг хроматик қатори давлат рамзларини ташкил қилади. Қизил ранг қизил қон ранги 鲜血xianxue билан яқин. Қадимги Хитойда қизил ранг император ҳокимиятининг рамзи зодагонларнинг мартаба ранги бўлган, ХХРда эса – давлат рамзларининг ажралмас қисми революцион алвон (қирмизи) қизил ранг (герб, байроқ). Қизил рангни қайта англаш ХХ асрнинг бошида революция, янги ҳукумат рамзи билан боғлиқ: 红旗hongqi қизил байроқ; 红军hongjun қизил армия; 红色政权hongse zhengquan қизил ҳукумат.

Тўқ қизил ранг, яъни丹dan (симоб сульфиди)– қизил маъдан (киноварь) ранги даосизм-диний ранги ҳисобланади. Қизил рангли маъдан (киноварь) даосизм кимёгарлари тайёрлаган абадийлик (мангу яшаш) дори таркибига кирар эди.

Ваҳимали саҳрони-Оқар қумларни–йўлимдан четда қолдирияман,

Лекин Қизил (киновар) дарё 丹江тўсатдан йўлимни тўсаяпти.

Цюй Юаньнинг «Ли Сао» поэмаси (Кравцова М.Е. 2004: 70).

Хитой шеъриятида红尘hongchen (қизил тупроқ, чанг) табиатдан узоқ бўлган Шаҳар ҳаётининг рамзи сифатида қўлланилади, шунингдек, кенг маънода маънавийтсизликни англатади.

Пойтахтга кўкимтир–бинафша рангли йўлдан юряпман,

“Қизил тупроқни” 红尘юзимдан артиб.

“Гуллардан баҳра олдим”, аммо энди

Бу туйғуларимни бўлашадиган шеригим йўқ.

Лю Юйси (772–842)

«Даосизм Сюаньдоугуань ибодатхонасида шафтоли дарахтлари гуллади»

Хитой манбасидаги учрайдиган «Қизил тупроқ» дейилганда, «қизилчанг» – марказий ва жанубий Хитойда кенг тарқалган серунум қизил тупроқли ерлар назарда тутилади.

说文Shuowen луғатида қизил ранг赤chi қип-қизилва白bai «бай» ок ранглар қоришмаси сифатида таърифланади. Қадимги хитой тилида «қизил»лексемаси учта вариантда ишлатилади: 失zhi, 丹dan ва赤chi, в ҳозирги замон тилида эса ушбу учта вариантнинг қўлланилиши нисбатан кам. Замонавий 红hong варианти «оралиқ, универсал ранг» ҳисобланиб, янги қон ёки анор дарахти гулларининг ранги.

Барча хитой иероглифлари ясалиш усули бўйича шартли равишда учта гуруҳга тақсимланади: пиктограммалар, идеограммалар, фоноидеограммалар. Иероглифлар – фоноидеограммалар (形声字) бўлиб, ҳосил қилувчи асос (фонетик) + график унсурдан иборат бўлган ва ҳудди шундай товушга эга

иероглифдан ясалади. Ушбу ҳосил қилувчи асос (фонетик) + график унсур тушунчалар синфини белгилайди ва сўз (детерминатив) айнан шу тушунчаларга оид бўлади. Иероглифлар-фоноидеограммалар иероглифик белгиларнинг умумий таркибининг 80 фоизидан ортиғини ҳосил қилади. 红 фоноидеограммаси 纟(糸) калитидан ташкил топиб, 纟 иплар (ипакли) ва 工 gfnг«фонетика» ўртасидаги алоқага ишора қилади.

Даставвал барча ипакли маҳсулотлар оч қизил рангли бўлган (浅红色的 丝织品), шунинг учун иероглифнинг семантикаси «ипакли ипларнинг оч-қизил ранги» маъносини билдирган, кейинроқ «тўқ қизил» рангни ифодалаган. Рангли лексема сифатида 红 биринчи бор Конфуцийнинг 论语 «Луньюй» асарида учрайди.

Феъл сифатида 红(变红, 呈红色 қизил бўлмоқ, қизармоқ) иероглифлари илк бор буюк тарихшунос ва адабиётшунос 班固 Бань Гунинг (Шарқий Хань сулоласи (25-220 йй.) “ 红了樱桃, 绿了芭蕉。Олчалар қизарди, бананлар кўкарди” тарихий асарларида учратиш мумкин.

Хитой тилида 红 hong морфемасини ўз ичига олган ёки «қизил» маъноси ва унинг тусларини берувчи маъноларга эга 14 та синоним бўлган «қизил» лексемалари ва 59 та рангни ифодалаш мавжуд. Қизил рангни билдирувчи гуруҳ хитой тилида энг кўп сонли гуруҳ ҳисобланади.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйидаги натижаларга эришилди:

1. Хитой тилидаги ритмик синонимларни танлаш коммуникатив вазиятнинг мусаффолиги ва контекст хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади;

2. Хитой тилида рангларни белгилаш дунёнинг семиотик, фалсафий ва қадриятлар манзараси билан ўзаро мутаносибликда жойлашади. Хитой цивилизациясининг ранг концепциясини кўриб чиқишда, у нафақат дунёни қабул қилишда ўзига хос концепт сифатида, балки қадимги афсонавий тизимининг лексик базасига сингиб кетган ранг рамзларининг тизими сифатида аниқланади;

3. Ранглар ёрдамида маълумотларни узатиш бир нечта қатламга эга пайдо бўлаётган тасаввур (ассоциация)лар: умумий табиий, кейинроқ пайдо бўлган қатламлар –халқнинг маданий анъаналари, сўнг шахсий кечинма ва таассуротларнинг рангли ассоциацияларига асосланади. Хитой маданиятида ранг билан уйғунлашган ёрқин ва яхлит бўлган образлар (тоғлар, булутлар, осмон, гуллар, дарахтлар) мустақил ва мукамал эстетик тизими – негизи (асоси)да императорлик қизил ранг бўлган хитой цивилизациясининг ранг коцепциясини шакллантиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Chang Jingyu. Hanyu cihui yu wenhua. Beijing daxue chubanshe, 2000.

2. Li Linding. Danshuang jie dongci he shuang yinjie dongci // Xiandai hanyu dongci. Zhongguo shehui kexue chubanshe, 1990
3. Zhang Guoxian. Danshuang yinjie dongzuo dongci de gongneng chayi. // Dongci yanjiu. Hu Yushu, Fan Xiao zhubian. Henan daxue chubanshe, 1995.
4. Zhang Guoxian 1996 – Zhang Guoxian. Danshuang yinjie xingrongci de xuanzexing chayi. // Hanyu xuexi. Di 3 qi. 1996.
5. Zhou Xiaobing, Zhao Xin 2002 - Zhou Xiaobing, Zhao Xin deng zhu. Duiwai hanyu jiaoxue zhong de fuci yanjiu. Zhongguo shehui kexue chubanshe. 2002.
6. Zhongguo gudaishi. Beijing: Beijing yuyan wenhua daxue chubanshe, 2001.
7. Васильев Б.А., Щуцкий Ю.К. Ритм и параллелизм в китайском языке. // Петербургское востоковедение, вып.6. СПб., 1994. С. 554-573.
8. Кравцова М.Е. Хрестоматия по литературе Китая. – СПб.: Азбука-классика, 2004.
9. Хаматова А.А. Словообразование современного китайского языка. М., 2003.